

ҲАРАКАТЛАР МУШТАРАК, МАҚСАД ЯГОНА



ПРЕЗИДЕНТ ҚАСИМ-ЖҰМАРТ ТҰҚАЕВ ЕВРОСИЁ ОЛИЙ ИҚТИСОДИЙ КЕНГАШНИНГ ТОР ДОИРАДАГИ ЙИГИЛИШИДА ИШТИРОК ЭТДИ

Саммитда Россия Федерацияси Президенти Владимир Путин, Арманистон Бош вазири Никол Пашинян (видеоанжуман орқали), Беларусь Президенти Александр Лукашенко, Қирғизистон Президенти Саидр Жапаров, шунингдек, Евроосиё иқтисодий комиссияси хайъати раиси Бақитжан Сағинтаев иштирок этди.

Учрашувда Евроосиё иқтисодий иттифоқи доирасидаги ҳамкорликнинг устувор йўналишлари ва асосий вазифалари муҳокама қилинди. Бундан ташқари, саммит иштирокчилари Ташкилот фаолиятининг долзарб масалалари ва алоҳида жиҳатлари юзасидан фикр алмашдилар.

Евроосиё олий иқтисодий кенгашининг кенгайтирилган таркибдаги йиғилишида Россия Президенти Владимир Путин, Арманистон Бош вазири Никол Пашинян (видеоанжуман орқали), Беларусь Президенти Александр Лукашенко, Қирғизистон Президенти Саидр Жапаров, Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев, Эрон саноат, кўча ва савдо вазири Муҳаммад Атабак, Евроосиё иқтисодий комиссияси раиси Бақитжан Сағинтаев иштирок этди, Куба Президенти Мигель Диас-Канель Бермудес видеомурожаат йўллади.

Учрашувда Евроосиё иқтисодий иттифоқи фаолиятининг долзарб масалалари ва интеграция жараёнларини янада ривожлантириш масалалари муҳокама қилинди.

Учрашув якунида Олий Евроосиё иқтисодий иттифоқи мамлакатлари делегациялари раҳбарлари қатор ҳужжатларни имзоладилар.

ҚАСИМ-ЖҰМАРТ ТҰҚАЕВ МДХ ДАВЛАТЛАРНИ РАҲБАРЛАРИНИНГ НОРАСМИЙ УЧРАШУВИДА ИШТИРОК ЭТДИ

Тадбирда Россия Президенти Владимир Путин, Беларусь Президенти Александр Лукашенко, Қирғизистон Президенти Саидр Жапаров, Тожикистон Президенти Эмомали Раҳмон, Туркменистон Президенти Сердар Бердимухамедов ва Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев иштирок этди.

Саммитда фаолиятнинг устувор йўналишлари ва Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги доирасидаги ўзаро манфаатли ҳамкорликни янада ривожлантириш истиқболлари муҳокама қилинди.

24.kz. маълумотлари асосида.

Жанубий Қозоғистон

1991 йил 5 апрелдан чиқа бошлаган
шанба, пайшанба ва шанба кунлари чиқади

2024 йил 31 декабрь, сешанба, №155 (3501).



Янги йилнингиз қутлуғ бўлсин!



Қадрли туркистонликлар! Барчангизни Янги йил байрами билан табриклаймиз!

Янги йил – ўтган даврни сарҳисоб қилиб, янги мақсадларни белгилайдиган ўзгача айём. Дўст-биродарлар, оила аъзоларимиз, фарзандларимизни табриклар, яхши тилаклар айтадиган, меҳр-оқибат намён этадиган кун.

Туркистон Туркий оламнинг 2024 йилдаги сайёҳлик пойтахти сифатида жадал суръатларда ривожланиб бормоқда. Яқинда

Давлат раҳбари Қ. Тўқоевнинг ташаббуси билан Туркистон шахрига алоҳида мақом бериш тўғрисидаги қонун лойиҳаси тайёрланди. Ушбу қонун лойиҳаси тарихий шаҳарнинг рағнақ топишида муҳим ўрин тутиши аниқ.

Ҳурматли дўстлар!

Ҳаётимизда қувончли, шуқуҳли дам кўп бўлиб, халқимизнинг фаровонлиги юксалаверсин! Нуроний отахонлару, дуоғўй онахонларимиз омон бўлиб, фарзандлар, набиралар ғамхўрлигида умргузаронлик қилишаверсин.

Келаётган Янги йил ҳар бир оилага қувонч, бахт-барака олиб келсин, орзулар рўёбга чиқаверсин!

Барча қозоғистонликлар, туркистонликларга соғлиқ-омонлик, муваффақият тилаймиз!

2025 йил яхшилик ва эзгуликлар йили бўлсин!

Д. САТИБАЛДИ,
ВИЛОЯТ ҲОКИМИ.
Н. АБИШОВ,
ВИЛОЯТ МАСЛАҲАТИ РАИСИ.

Янги йил муборак бўлсин, қадрли газетхон!

Газетамизнинг азиз мухлислари! Қадрли отахон ва онахонлар, опа-сингиллар, азиз ўғил-қизлару болажонлар!

Янги йил кириб келишига санокли кунлар қолган мана шу файзли ва шуқуҳли дамларда сизларни қизгин муборакбод этишдан, барчангизга самимий меҳр ва ҳурматимизни билдириб, эзгу тилакларимизни изҳор қилишдан бахтиёримиз.

Айни мана шундай унутилмас, гўзал кунларда сиз, азиз юртдошларимизга янги йилда оилаларингизга шоду хуррамлик, сиҳат-саломатлик, бахту саодат, янги омадлар ёр бўлишини, кексаю ёш, ҳар қайси инсон қалбининг тўрида бўлган энг ёруғ орзу-ниятлар ушлайшини чин юракдан тилаймиз.

Шуни ҳам юксак мамнуният билан қайд этмоқчимизки, кириб келаётган 2025 йилда ойлик иш ҳақи, пенсия, стипендия ва нафақалар миқдорини кўпайтириш кўзда тутилётгани, ҳеч шубҳасиз, халқимизнинг янги йил олди кайфиятига албатта, янги қувонч бағишлайди.

Юртимизни тобора обод этиб, унинг қиёфасини бутунлай ўзгартираётган, Ватанимизнинг жадал тараққиётини таъминлаётган, бундай ютуқларнинг боиси, авваламбор, мамлакатимизда тинчлик, сиёсий ва иқтисодий барқарорлик, миллатлар ва динлараро тотувлик, ўзаро ҳурмат ва меҳр-оқибат ҳукм сураётгани тўғрисида.

Энг муҳими, халқимизнинг меҳнатсеварлиги ва фидойилиги, унинг ҳаётга, ўз меҳнатига муносабати тобора ўзгариб, ону тафаккури юксалиб бораётгани биз кўлга киритаётган марраларнинг ҳал қилувчи омил ва сабаби, десак, ўйлаймизки, барчанинг фикрини ифода этган бўламиз.

Азиз дўстлар, қадрдонлар!
Кириб келаётган Янги йил байрами билан яна бир бор чин қалбдан табриклаймиз.

Янги – 2025 йилнинг қадами қутлуғ ва хосиятли келсин!

Хонадонларимиздан файзу барака аримасин!

Юртимиз тинч, халқимиз омон бўлсин!

Янги йил барчамизга муборак бўлсин!

ТАҲРИРИЯТ.



Йил сарҳисоби



– Бу йил Туркистон вилояти ташкил топганига 6 йил тўлди. Бу давр вилоятнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиётидаги улкан ўзгаришлар билан тарихий зарварларига муҳрланади. Яқинда Давлат раҳбарининг тақлифи билан Туркистон шахрига алоҳида мақом бериш мақсадида махсус Қонун ишлаб чиқилиб, Парламент уни биринчи ўқишда қабул қилди. Мазкур Қонун тарихий шаҳарнинг тараққиётига янги суръат бағишлайди. Бу ижобий ўзгаришларнинг барчасида сизнинг меҳнатингиз алоҳида аҳамиятга эга. Вилоят тараққиётига қўшган ҳиссангиз учун ташаккур! Бурчини дилдан адо этаётганлар албатта, муваффақиятга эришади. Биз ёшлар ва жамиятимиз онгига меҳнатсеварликни, ватанпарварликни сингдиришимиз керак. Тарихий Туркистонимизни рақобатбардош, фаровон ва обод ҳудудга айлантириб, бир-



ғалиқда ривожлантирайлик! – деди Дархан Сатибалди. Ийлниг якуний йиғилишида меҳнати барчага ибрат бўлган бир гуруҳ фуқаролар “Алоҳида хизматлари учун” ва “Меҳнат фахрийси” медаллари билан тақдирланди. Жорий йилнинг март ойида Туркистон вилоятида “Ибратли қишлоқ” вилоят кўрик-танлови бошланди. Танлов қишлоқларни ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш

ва ривожлантиришга қаратилган. Келгуси йилда ғолиб қишлоқларда, бир вақтнинг ўзида биттадан ижтимоий иншоот қурилади.

Тантанили маросимда мазкур қишлоқлар раҳбарлари тақдирланди.

Шунингдек, 40та турли номинациялар бўйича йил пешқадмлари тақдирланди.

Тадбир сўнггида йиғилганларга вилоят санъат усталари ва эстрада юлдузлари иштирокидаги мусиқий-хореографик дастур тақдим этилди.

Вилоят ҳокимининг
матбуот хизмати.

ЭҲТИРОМ. ЭЪТИРОФ. ЭЪТИБОР

Туркистон вилояти марказида “Туркистонни яшнатаётганлар” тадбири ўтди ва унда йилнинг энг яхши вакиллари эҳтиром кўрсатилди. Тантанили йиғилишида вилоят ҳокими Дархан Сатибалди ҳалол меҳнати билан қадр топиб, ўз соҳасида муваффақиятларга эришган бир гуруҳ фуқароларга мукофотлар топширди.



Вилоят ҳокимининг матбуот хизмати хабар қилади:

ТУРКИСТОНДА ЯНА БИР «БАДАСТИР МАКТАБ»

Туркистон шаҳрида «Бадастир мактаб» лойиҳаси доирасида барпо этилган 34-сонли янги мактаб фойдаланишга топширилди. 1200 ўқувчига мўлжалланган таълим муассасасида болаларнинг сифатли таълим олиши учун барча шарт-шароитлар яратилган.



Янги мактабнинг очи-лиш маросимида вилоят ҳокимининг ўринбосари Бейсенбай Тажиббаев иштирок этиб, йиғилганларни ушбу муҳим воқеа билан табриклади.

– «Бадастир мактаб» лойиҳаси доирасида қурилатган 29та мактабдан ташқари, вилоят бюджети ва бошқа молиялаштириш манбалари ҳисобидан яна 21та мактаб барпо этилмоқда. Ушбу 50та мактабнинг фойдаланишга топширилиши вилоятдаги хароба ва

уч навбатли мактаблар муаммосини ҳал этишга хизмат қилади. Биз таълим тизимини сифат жиҳатидан юксалтиришга алоҳида эътибор қаратмоқдамиз. Жорий йилда мактаблар видеокузатув тизимлари, сигнализация ва бошқа назорат ускуналари билан жиҳозланган ҳамда улар полициянинг тезкор бошқарув марказига уланган. Бу ўқувчиларнинг тўлиқ хавфсизлигини таъминлаш имконини беради, – деди Бейсенбай Даулетули.



»» Бир туман хабарлари

Саврон туманидаги Бобойқўрғон қишлоғида янги спорт мажмуаси фойдаланишга топширилди. Иншоотнинг очи-лиш маросимида туман ҳокими Мақсат Танғатаров иштирок этиб, аҳолини шодиёна билан табриклади.

Мажмуа 2 гектар майдонда жойлашган. Бу ерда аҳоли спортнинг бир неча тури билан шуғуллана олади. Мазкур мажмуа қишлоқда спортни оммалаштириш, аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантиришга хизмат қилади.

Югнак қишлоғида уй-жой навбатиде турган фуқароларга янги бошпаналарнинг қалитларини топшириш маросими ўтди.

Тадбирда туман ҳокими Мақсат Танғатаров иштирок этиб, уй соҳибларини кўшалок байрам билан қутлади.



ЯНГИ ЙИЛ ТУҲФАЛАРИ



Мазкур турар-жой мажмуаси лойиҳаси туман маслаҳати депутати Ержан Мустапаев ташаббуси билан амалга оширилди.

Тадбирда вилоят маслаҳати депутати Баймахан Сулейменов, туман маслаҳати раиси Сержан Байспаев, фахрийлар кенгаши раиси Сейилхан Ахметов, туман мас-

лаҳатининг бир гуруҳ депутатлари ҳам иштирок этди.

Айни пайтда туманда 1379 нафар фуқаро уй-жой учун навбатда турибди. Аҳолини бошлана билан таъминлаш лойиҳаси «2023-2029 йилларда уй-жой коммунал инфратузилмасини ривожлантириш концепцияси» доирасида амалга оширилди.



ВИЛОЯТ МАРКАЗИДА – ЯНГИ ЙИЛ ЯРМАРКАСИ

Туркистон шаҳрида Янги йил байрами арафасида озиқ-овқат маҳсулотлари арзонлаштирилган нархларда сотилди. Унда сабзавот, гўшт-сут маҳсулотлари, бошоқли дон экинлари савдога чиқарилди. Жами 19 турдаги ижтимоий аҳамиятга молик товарлар арзон баҳоларда сотилди.

Жумладан, тухумнинг донаси – 40 тенге, ош тузи – 45 тенге, нон – 70 тенге, картошка, сабзи – 100 тенге, биринчи навли бугдой уни – 190 тенге, гречка ёрмалари – 220 тенге, сут – 260 тенге, кунгабоқар ёғи – 520 тенге, мол гўшти 2000 тенгедан сотилди.

«Туркистон» ижтимоий тадбиркор-

лик корпорацияси ташаббуси билан йил давомида аънаванавий тарзда ўтказиб келинаётган ярмаркалар нархларнинг барқарорлашишига бевосита хизмат қилмоқда.

Яқунланаётган йилда Туркистон ва Кентов шаҳарларида 180 марта озиқ-овқат ярмаркалари ўтказилди.

eGovда янги рақамли хизмат

eGov.kz порталида васийлик ва ҳомийлик тўғрисидаги маълумотномаларни сўраш имконини берувчи янги рақамли хизмат ишга туширилди. Мазкур хизмат етим ва ота-она қарамоғисиз қолган болаларнинг васийлари тўғрисидаги маълумотларни олиш жараёнини соддалаштиради.

Хизмат фойдаланувчиларга давлат органлари ва ваколатли шахслар учун васийлик мақомини онлайн тарзда тасдиқлаш имконини беради. Маълумотнома олиш учун васий томонидан тасдиқланиши керак бўлган сўров йўллаш кифоя. Барча маълумотлар давлат маълумотлар базаларидан автомат тарзда юклаб олинади, бу жараённинг тезлиги ва шаффофлигини таъминлайди.

Янги хизмат ҚР Рақамли тараққиёт, инновациялар ва аэрокосмик sanoat вазирлигининг Давлат хизматлари қўмитаси, «Миллий ахборот технологиялари» ХҲЖ ва ҚР Маориф вазирлигининг ҳамкорликдаги саъй-ҳаракатлари билан амалга оширилди.



Болалар боғчаларини молиялаштириш тизими қайта кўриб чиқилади

Янгиликнинг моҳияти шундан иборатки, ота-оналар ўз фарзандлари учун болалар боғчасини мустақил танлаш ҳуқуқига эга бўладилар ва унинг тарбияси учун зарур бўлган маблағ давлат томонидан бевосита мактабга таълим муассасасига эмас, балки бола учун очилган махсус ваучер (ҳисоб-рақам)га ўтказилади.

Бундай дастакнинг жорий этилиши хусусий ва давлат боғчалари ўртасида соғлом рақобатни шакллантиришга қаратилган. Энди уларнинг раҳбарияти имкон қадар кўпроқ болаларни жалб этиш мақсадида таълим сифатини яхшилаш ва тарбиячиларнинг касбий маҳоратини оширишлари керак бўлади.

Қайд этилишича, бундай дастак мамлакатимизнинг тўрт шаҳрида – Тараз, Шимкент, Туркистон ва Ўралда тажриба тартибда жорий этилган.

Келгусида уни бутун мамлакат бўйлаб жорий этиш режаланмоқда.

24.kz. маълумотлари асосида.

2024 ЙИЛНИНГ МУҲИМ ВОҚЕАЛАРИ

2024 йил Қозоғистон учун йирик сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ўзгаришлар даври бўлди. Тахририят мамлакат тарихида албатта қоладиган энг муҳим воқеалар жамланмасини эътиборингизга ҳавола қилади.



2025 йил – «Ишчи касблари йили»

Давлат раҳбари Қасим-Жўмарт Тўқаевнинг Фармони билан 2025 йил «Ишчи касблари йили» деб эълон қилинди.

Ягона вақт минтақасига

29 февралдан 1 мартга ўтар кечаси Қозоғистон Ҳукумат қарори билан ягона UTC+5 вақт минтақасига ўтди. Мамлакатнинг 15та вилояти соатларини бир соат орқага сурди.

Ягона вақт минтақаси ғояси қозоғистонлик олимлар томонидан илгари сурилган. 2023 йил апрель ойида тузилган ишчи гуруҳ ушбу жиҳат кўпчилик минтақаларнинг табиий вақтига мос келади, деган қарорга келди.

Тарихда қузатилмаган сув тошқинлари

Баҳорда Қозоғистон сўнги 80 йилдаги энг йирик сув тошқинларини бошдан кечирди. 12 минг уй ва 5 мингдан ортиқ далаховли сув остида қолган. 120 мингдан ортиқ қозоғистонликлар эвакуация қилинди ва давлат хавфли ҳудудлардан одамларни кўчиришга мажбур бўлди. 10та ҳудудда фавқулодда ҳолат эълон қилинди.

Сув тошқинларига қарши курашга Фавқулодда вазиятлар ва Ички ишлар вазирликлари, Миллий гвардия, Қуролли кучлар ва Миллий хавфсизлик қўмитасининг барча кучлари жалб этилди.

Бутун мамлакат жабрланганларга ёрдам бериш учун бирлашди. Катта сув оқибатларини бартараф этишда жами 30 мингга яқин кўнгилли иштирок этди.

Президент Қасим-Жўмарт Тўқаев оғир вазият муносабати билан Қозоғистон халқига мурожаат қиларкан, барча жабрланганларга етказилган зарарни қоплаш юзасидан топшириқ берди. Шу тариқа, 30 мингдан ортиқ оилга 100 ОҲҚ миқдорида бир марталиқ ёрдам пули ва йўқолган мол-мулки учун бадал тўланди.

ШҲТ саммити

3-4 июль кунлари Астана шаҳрида Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатлар Давлат раҳбарлари кенгашининг 24-мажлиси ўтди. 2024 йилгача ШҲТга 9та давлат – Қозоғистон, Ҳиндистон, Эрон, Хитой, Қирғизистон, Покистон, Россия, Тожикистон, Ўзбекистон аъзо эди. Бу йил ташкилотга Беларусь қабул қилинди. Яна бир янгилик шундаки, илк бор ШҲТ+ шаклида аъзо давлатлар, қузатувчилар ва мулоқот бўйича ҳамкорлар ҳамда БМТ Бош котиби Антониу Гутерриш иштирокида учрашув ўтди.

Жаҳон кўчманчилар ўйинлари

8-13 сентябрь кунлари Астана шаҳрида оламшумул спорт тадбири – V Бутунжаҳон кўчманчилар ўйинлари ўтди, унда 89 давлатдан 2500дан зиёд спортчи иштирок этди. Шаҳардаги 6та спорт иншоотида 21 спорт тури бўйича мусобақалар ўтказилди. Янги қурилган «Кўчманчилар олами» этноовулида 100дан ортиқ маданий тадбирлар: концертлар, ҳунармандчилик маҳсулотлари ярмаркалари, кўргазмалар ва ўйинлар уюштирилди.

Ўйинларда юз минглаб одамлар, жумладан, Астана аҳолиси, мамлакатнинг бошқа вилоятлари ва хориждан келган сайёҳлар иштирок этди.



Қозоғистон 112та (43та олтин, 32та кумуш ва 37та бронза) медал билан мукофотлар жадалида пешқадам бўлди. 216 нафар спортчи терма жамоа шарафини ҳимоя қилди. Қирғизистон иккинчи ўринни қўлга киритди. Медаллар рўйхатида Россия терма жамоаси учинчи ўринни эгаллади.

АЭС бўйича референдум

6 октябрь куни Қозоғистонда атом электр станциясини қуриш юзасидан референдум ўтказилди. Фуқароларнинг 71,12 фоизи (5 миллион 561 минг 937 киши) қурилиш учун овоз берди, 26,13 фоизи (2 миллион 45 минг 271 киши) қарши овоз берди. Сайловчилар умумий сонининг 63,66 фоизини ёки 7 миллион 820 минг 204 нафари иштирок этди.

Президент Қасим-Жўмарт Тўқаев илғор технологияларга эга жаҳоннинг етакчи компанияларини жалб этиш учун Қозоғистонда атом электр станциялари қурилишини халқаро консорциум амалга ошириши кераклигини айтди.

Энергетика вазирлиги ушбу соҳадаги йирик дунёвий иштирокчилар: Хитойнинг CNNC, Жанубий Кореянинг KHNP, Россиянинг «Росатом» ва Франциянинг EDF компаниялари билан музокара олимборди борди. Қайд этилган барча компаниялар қизиқиш билдирди ва ўз технологияларини тақлиф қилишга тайёр эканлигини маълум қилди.

– Атом электр станциясини қуриш тахминан 10 йил давом этиши мумкин. Ҳозирда уни Алмати вилояти Улкен қишлоғи яқинидаги Балхаш кўли ҳудудида жойлаштириш режалаштирилган. Қурилиши ким амалга ошириши ҳақидаги қарор 2025 йилнинг биринчи ярмида қабул қилинади, – деди Энергетика вазири Алмасдам Сатқалиев.

24.kz. маълумотлари асосида.

НИЯТИ УЛУҒ ХАЛҚНИНГ ИШИ ҲАМ УЛУҒ, КЕЛАЖАГИ ЁРҚИН БЎЛАДИ



Санокли соатлардан сўнг биз Янги йилни қарши оламиз. 2025 йил XXI асрнинг илк чораги яқунлини билан алоҳида аҳамиятга эгадир. Утган йил эса халқимиз юзма-юз келган кўплаб синовларга қарамай, мамлакатимиз учун иқтисодий юксалиш, сиёсий барқарорлик ва маданий янгиликни йили бўлди. Мамлакатимизда амалга оширилган ислохотлар ва чора-тадбирлар давлат тараққиётининг янги босқичини бошлаб берувчи тарихий воқеалар сифатида тарихда қолади.

Ўртимизнинг 10та минтақасида юз берган баҳорги тошқинлар ҳажми 13,3 миллиард тенгени ташкил этувчи бир марталик ижтимоий ёрдам кўрсатилди. 21876 оилга 9,9 миллиард тенге миқдорида товоқ пули тўланди. Шунингдек, кичик ва ўрта бизнес субъектларига етказилган зарарни қоплаш учун 12,1 миллиард тенге, чорвачилик соҳасидаги талафотни қоплаш учун эса 2,8 миллиард тенге миқдорида давлат ёрдами кўрсатилди.

Шунингдек, 36455 оилга умумий ҳажми 13,3 миллиард тенгени ташкил этувчи бир марталик ижтимоий ёрдам кўрсатилди. 21876 оилга 9,9 миллиард тенге миқдорида товоқ пули тўланди. Шунингдек, кичик ва ўрта бизнес субъектларига етказилган зарарни қоплаш учун 12,1 миллиард тенге, чорвачилик соҳасидаги талафотни қоплаш учун эса 2,8 миллиард тенге миқдорида давлат ёрдами кўрсатилди.

Бундай оғир дамларда халқимиз жипслашув ва бирдамлик намуналарини намойён этди. Шу ўринда Қозоғистон халқи Ассамблеясининг халқ биллигини амалда мустақамлайдиган самарали тузилма сифатидаги аҳамиятини алоҳида кайд этмоқчиман. Республика минтақаларининг ярми сув остида кетган пайтда Ассамблеянинг республика ва ҳудудий штаблари ташкил этилди. «Юракдан юракқа» номли кенг кўламли акция доирасида оғат юз берган ҳудудларга 1500 тоннадан зиёд озиқ-овқат ва зарур товарлар жўнатилди. Йиғилган ёрдамнинг умумий ҳажми тахминан 770 миллион тенгени ташкил этди, шундан ўзбек этномаданият бирлашмаларининг ҳиссаси ҳам салмоқли бўлди.

2024 йил мана шундай табиий оғат билан бошланган бўлса-да, халқимиз барча қийинчиликларни енгиб ўтди. Давлат раҳбари Қасим-Жўмарт Тўқайевнинг ташаббуси билан юртимизда кенг кўламли ва чуқур ислохотлар амалга оширилди. Бир йил ичида 1,2 триллион тенгени ташкил

этувчи 169та ишлаб чиқариш корхоналарининг фаолияти йўлга қўйилди ва 14 минг янги иш ўринлари яратилди. 12 минг чакирим йўл қурилди. 6 минг чакирим муҳандислик алоқа тизимлари тортилди. Алмати, Қизилўрда ва Шимкент аэропортларининг янги терминаллари фойдаланишга топширилди. 18 миллион квадрат метр уй-жой қурилиб, фойдаланишга топширилди. Баҳорги тошқинларга қарамай, сўнгги ўн йилда рекорд кўрсаткич – 26,7 миллион тонна ғалла йиғиб олинди.

Бу ютуқлар мамлакатнинг иқтисодий ва гуманитар ҳолатини барқарорлаштириш йўлидаги асосий кўрсаткичларнинг бир қисмига, холос.

Президент топириғига кўра, «Бадастир мактаб» миллий лойиҳаси доирасида шаҳарлар ва демография кўрсаткичи юксалаётган аҳоли манзилларида 460 минг ўқувчига мўлжалланган янги 217та мактабнинг қурилиши олиб борилмоқда. Бугунги кунда 36та мактаб фойдаланишга топширилди, шу жумладан, 15таси қишлоқларда жойлашган. Бу – таълим соҳасида инфратузилмани ривожлантиришда шаҳар ва қишлоққа тенг эътибор қаратилаётганининг ёрқин ифода-сидир.

«Қишлоқда соғлиқни сақлаш соҳасини замонавийлаштириш» миллий лойиҳаси доирасида санитария ва бирламчи тиббий ёрдам кўрсатадиган 276та иншоотнинг қурилиши яқунланди. Шундан 99таси 2023 йилда, 117таси эса жорий йилда фойдаланишга топширилди. Келгуси йили 125та иншоотнинг қурилиши олиб борилади, шу жумладан, 32та туман шифохонасини замонавийлаштириш ишлари давом этмоқда.

Қозоғистон халқи бирлигининг мустақамлигини намойён қилган яна бир сиёсий ва ижтимоий аҳамиятга молик муҳим воқеа – АЭС қурилишига оид референдум бўлди. Қозоғистондаги илк атом электр станцияси қурилишининг тақдирини ҳал қилиш мақсадида ушбу тадбир 2024 йил 6 октябрда ўтказилди. Унинг натижасида масалани ижобий ҳал этиш учун овоз берган фуқаролар

сони 5 миллион 561 минг 937 кишини ёки 71,12 фоизни ташкил қилди.

Утган йилдаги асосий ютуқларимиз қаторига мамлакатимизнинг халқаро майдондаги ўрнининг мустақамлигини ҳам эътироф этиш жоиз. Сабаби, ҳозирги турли ўзгарувчан геосиёсий вазиятда кўплаб давлатлар мустақиллигини йўқотиб, фуқаролик урушлари ўчоғига айланаётганига гувоҳ бўламиз.

Бу нуқтаи назардан Қозоғистон кўп йўналишли сиёсат юритиб, ўз миллий манфаатларини ҳимоя қилган ҳолда, дунёвий миқёсда мулоқот ўрнатишга имкон берадиган концепцияларини илгари суриб келмоқда.

Мамлакатнинг сиёсий ҳаётидаги муҳим даврлардан бири сифатида Қозоғистоннинг Шанхай ҳамкорлик ташкилоти ва Туркий давлатлар ташкилотига раислик даврини кайд этиш жоиз.

4 июль куни Қозоғистон раислигида ўтказилган, дунё эътиборида бўлган олий даражадаги тадбир – Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг XXIV саммити 16 давлат президенти, ҳукумат раҳбарлари ва нуфузли халқаро ташкилотлар етакчиларини Астана шаҳрида тўплади. Ташкилотга аъзо давлатлар раҳбарлари «Астана декларацияси»ни, «Адоллатли тинчлик, ҳамкорлик ва тараққиёт учун жаҳон бирлиги ҳақида», «Шанхай ҳамкорлик ташкилотини такомиллаштириш ҳақида» ташаббусларини илгари сурди.

ШХТга раислик қилиш Евроосиёдаги энг йирик иқтисодий ва сиёсий иштирокчилар қатнашадиган ташкилотни бошқаришни ўз зиммасига олиш бўлса, Туркий давлатлар ташкилоти Қозоғистоннинг географик ва иқтисодий салоҳиятини намойён этувчи муҳим майдон бўлди. Бу тадбирлар мамлакатнинг халқаро нуфузини оширишга ёрдам берди.

Беш кун давомида Буюк Даштнинг шовқин-суронга тўлдирилган V Жаҳон кўчманчилар уйинлари ушбу ташкилот доирасида ташкил этилган энг муҳим тадбирлардан бири бўлди. Бу мусобақада 90 мамлакатдан 2500га яқин спортчи иштирок этиб, куч синашди.

Юқорида кайд этилган ва бошқа ютуқларга эришишда қонунчилик асосларини ишлаб чиқиш муҳим ўрин эгаллайди. Шу муносабат билан миллий қонунчилик палатамиз томонидан олиб борилган ишлар ҳақида ҳам тўхталиб ўтиш жоиз.

Мамлакат раҳбарининг ислохотларини ҳаётга татбиқ этиш ва аҳоли фаровонлигини ошириш йўналишида Парламент 104та қонун қабул қилди. Улар мамлакатнинг сиёсий ва барқарор ижтимоий-иқтисодий тараққиётини таъминлашга қаратилган. Шу билан бирга, давлатчилигимизни мустақамлаш, жамиятнинг заиф қатламларини ҳимоя қилиш, мамлакат иқтисодиёти, хавфсизлиги ва халқаро нуфузини юксалтириш каби кўплаб муҳим соҳалар қамраб олинди.

Хусусан, миллий илмий тизимни такомиллаштириш, шу-

нингдек, илмий-техника ва инновацион фаолиятни самарали мувофиқлаштиришни кўзда тутувчи «Фан ва технология сиёсати тўғрисида»ги Қонун қабул қилинди.

Давлат раҳбарининг топириғига биноан, давлат харидларининг шаффофлигини таъминлаш ва ушбу соҳадаги уюшган жиноятчиликнинг олдини олишга қаратилган «Давлат харидлари тўғрисида» махсус қонун қабул қилинди.

Одам савдосига қарши курашнинг ҳуқуқий асослари ва самарадорлигини ошириш, одам савдоси қурбонларининг манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган қонун ҳам муважуд.

Иссиқлик энергетикаси соҳасидаги мураккаб инфратузилмавий муаммоларни ҳал қилишни кўзда тутувчи алоҳида янги қонун кучга кирди.

Шу билан бирга, Президентимиз Қасим-Жўмарт Кемелули Тўқайевнинг ташаббуси билан аёллар ва болалар ҳуқуқларини ҳимоя қилишни кучайтиришга қаратилган меъёрлар қабул қилинди. Бу – давлатнинг ижтимоий адолатни таъминлашга қаратилган сайёҳаракатларининг ёрқин ифодасидир.

Шунингдек, иқтисодиёт, давлат бошқаруви, ижтимоий таъминот ва бошқа соҳаларга оид муҳим қонунлар устида ишлар олиб борилди. Мамлакатимизнинг асосий молиявий ҳужжати – уч йиллик республика бюджетни тасдиқланди.

Қонун чиқариш фаолияти билан бир қаторда Сенатнинг доимий кўмиталари Палата режасига мувофиқ, қатор муҳим тадбирларни ташкил қилди. Озиқ-овқат хавфсизлиги ва иқтисодиётнинг қайта ишловчи шўъбаси масалалари муҳокама қилинди, икки парламент тингловлари ўтказилди. Демография юксалиш масаласи бўйича Ҳукумат соати ва 150дан ортқ давра суҳбатлари ҳамда сайёр мажлислар ўтказилди. Муҳим масалалар бўйича Ҳукуматга 180га яқин депутатлик сўровлари юборилди.

Сенат қошидаги маслаҳат-кенгаш идора ҳам қатор муҳим тадбирлар ўтказди. «Бир миллат – бир манфаат» ва «Худуд» депутатлик гуруҳлари, маҳаллий кенгашлар билан ҳамкорлик масалалари ва инклюзия бўйича жами 13 мажлис ўтказилди.

Барқарор тараққиёт соҳасидаги миллий мақсадлар ва вазифалар ижросининг назорат қилувчи Парламент комиссиясининг барча йиғилишлари самарали ўтди.

Шундай қилиб, 2024 йил Қозоғистоннинг ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий тараққиётини дағи янги марраларни намойён этди ва мамлакат тарихи учун муҳим йиллардан бири сифатида тарих солномасига муҳрланди. Қозоғистон халқи бирлиги ва аҳиллиги мамлакатнинг келажагини ёрқин қилишга ҳисса қўшиб келмоқда. Бу ютуқлар келгуси 2025 йилда ҳам ўз давомини топишига ишончимиз комил.

Алишер СОТВОЛДИЕВ,
ҚР Парламенти
Сенатининг депутати.

ҚОЗОҒИСТОН ЖАҲОН МАТБУОТИДА

Anadolu:

EMBRAERNING ИККИНЧИ «ҚОРА ҚУТИСИ» ТОПИЛДИ

Azerbaijan Airlines авиакомпаниясининг Боқудан Грознийга учётган самолёти Ақтау яқинида ҳалокатга учраган. Сўнги маълумотларга асосланиб, мутахассислар унинг иккинчи «қора қути»сини топишди.

ВОҚЕАЛАР РИВОЖИ ҚҲИДАГИЧА:

25 декабрь куни соат 10:43да Ақтўбедаги диспетчерлик марказига Embraer 190 самолётдан экипажнинг Ақтауга бурилишга қарор қилгани тўғрисида хабар келди. Ва соат 10:53да Ростов диспетчери йўловчилар бортида кислород баллонни портлагани ва самолётдаги одамлар ҳушидан кетганини хабар қилди.

Қайд этиш жоизки, воқеа содир бўлган пайтда Қозоғистоннинг барча авиация корхоналари ва «ҚазАэроНавигация» диспетчерлари ҳамда Ақтау аэропорти ходимлари юқори касбий маҳорат кўрсатган. Самолёт Қозоғистон ҳаво сарҳадида киргунга қадар фавқулодда хизматлар тегишли ёрдам кўрсатишга тайёр эди.

Самолёт экипажи икки марта қўнишга уринди. Соат 11:28да самолёт билан алоқа узилиб қолган, кейин эса самолёт ерга қулаган.

Шу муносабат билан ҚР Президенти Қасим-Жўмарт Тўқайев Мангистау вилоятидаги авиаҳалокатда Қозоғистон фуқаролари ҳам ҳалок бўлганини алоҳида таъкидлаб, марҳумларнинг оила аъзолари ва яқинларига яна бир бор ҳамдардлик билдирди.

ҚР Президенти Қасим-Жўмарт Тўқайев ва Россия Президенти Владимир Путин телефон орқали мулоқотда авиаҳалокат ҳолатларига оидинлик киритиш ишларини муҳокама қилди.

Давлат раҳбарлари Ақтау шаҳри яқинида Azerbaijan Airlines самолётининг қулаши оқибатида Қозоғистон ва Россия фуқароларининг фожiali ҳалок бўлгани муносабати билан ҳамдардлик билдирди ва жабрланганларга тезроқ соғайиб кетишини тилади.

Суҳбатдошлар авиаҳалокат ҳолатларига оидинлик киритиш юзасидан олиб борилаётган тадбирларни муҳокама қилди. Қасим-Жўмарт Тўқайев Қозоғистон Республикасининг ташкил этилган Ҳукумат комиссияси Озарбайжон, Россия ва Бразилия мутахассисларини жалб этган ҳолда терговни давом эттираётганини таъкидлади.

Президентлар ҳар томонлама ва очиқ тергов ўтказиш муҳимлигини таъкидладилар.

ҚР Президенти Ҳукуматга табиий оғат оқибатларини бартараф этишда иштирок этган инсонларнинг жасорати ва меҳнати-ни муносиб тақдирлаш, уларни давлат мукофотига тавсия этиш юзасидан топшириқлар берди.



Trend:

ҚОЗОҒИСТОН АЛЯТ ПОРТИДА ТЕРМИНАЛ ҚУРИШНИ РЕЖАЛАШТИРМОҚДА

Қозоғистон 2025 йилда Озарбайжоннинг Алят портида янги терминал қуришни режалаштирляпти. Бу ҳақда ҚР Транспорт вазири Марат Қарабаев Мажлис сессиясида маълум қилди.

Қозоғистон томони Алят порти, Москва яқинидаги Селятино, Беларуснинг Свислоч станцияси ва Тошкентда терминаллар қурилишини бошлашга тайёргарлик қўрляпти. Иншоотлар қурилиши келгуси йилда бошланади. Янги терминалларнинг умумий қуввати йилига 1,2 миллион контейнерни ташкил этади.

Trend:

ҚОЗОҒИСТОН ВА ЎЗБЕКИСТОН ҚЎШМА ЛОЙИҲАЛАРНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРАДИ

Ҳозирда икки давлат саноат кооперацияси билан фаол шуғулланиб, умумий қиймати 3,4 миллиард долларлик 74та қўшма лойиҳа амалга оширилмоқда.

Ушбу лойиҳалар 14600та иш ўрни яратишга қаратилган бўлиб, шундан 13600таси Қозоғистонда 65та янги корхона очиб ҳисобига таъминланади. Айни пайтда Қозоғистонда 9та, Ўзбекистонда 3та қўшма лойиҳа амалга оширилмоқда. Натижада 4800та янги иш ўрни яратилди.

Саран шаҳридаги маиший техника заводи, Шимкент шаҳри ва Туркистон вилоятидаги тўқимачилик фабрикалари Қозоғистон-Ўзбекистон ҳамкорлигини ривожлантиришга салмоқли ҳисса қўшмоқда.

«Ўзбекистон-Қозоғистон» минтақаларо анжумани доирасида икки давлат ўртасида ҳамкорликни йўлга қўйиш юзасидан 33та битим имзоланган.

Дарё:

ҚОЗОҒИСТОНДАН ЎЗБЕКИСТОНГА ГЎШТ ЭКСПОРТ ҚИЛУВЧИЛАР СОНИ БИР ЯРИМ БАРАВАРГА ОРТАДИ

Ўзбекистонга маҳсулотлар етказиб берувчилар тизимига Қозоғистондан яна 19та чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқарувчилари киритилган. Бу ҳақда Қозоғистон қишлоқ хўжалиги вазири А. Сапаров маълум қилди.

Илгари рўйхатда Қозоғистоннинг 37 корхонаси бўлган. Шундай қилиб, Қозоғистондан Ўзбекистонга гўшт экспорт қилиш ҳуқуқига эга бўлган ишлаб чиқарувчиларнинг умумий сони 56тага етди.

Қозоғистон қишлоқ хўжалиги вазирлиги маълумотларига кўра, маҳаллий корхоналар янги бозорларни ўрганишда давом этмоқда ва шу орқали Қозоғистон иқтисодиёти имкониятларини ошириб, минтақада озиқ-овқат хавфсизлигини таъминламоқда.

TASS:

ҚОЗОҒИСТОН АРМАНИСТОНГА ГЎШТ ЭКСПОРТ ҚИЛИШНИ БОШЛАДИ

Қозоғистонлик тадбиркорлар Арменистонга гўшт экспорт қила бошлади. Асосий етказиб берувчи EMC Agro компанияси.

Қишлоқ хўжалиги вазирлиги Ереванга 20 тонна музлатилган гўшт экспорт қилинганини маълум қилди. Келгусида экспорт ҳажмини ошириш режалаштирилган.

Қайд этиш жоизки, EMC Agro учун ушбу экспорт хорижлик тадбиркорлар билан ҳамкорликдаги илк тажриба.

Саид ТУРСУНМАТОВ.

24.kz. маълумотлари асосида.

МУНОСИБЛАР ТАҚДИРЛАНДИ



Шимкент шаҳридаги «Дўстлик уйи»да шаҳар ҳокимлиги Ички сиёсат ва ёшлар иши бошқармаси раҳбари Айгерим Жумағулова раислигида шаҳар ҚХА ва этномаданият бирлашмаларининг йил якунига бағишланган мажлиси ўтди.

Унда ЭМБ томонидан амалга оширилган ва галдаги режалар муҳокама қилинди. Давра суҳбатда шаҳар ҚХА раиси муовини, ўзбек ЭМБ раиси Тоҳиржон Нишонбоев, славян ЭМБ раисаси Наталья Романова, грузин ЭМБ раиси Заал Бочорашвили, шунингдек, юнон, курд, корейс ЭМБ раислари сўзга чиқиб, фикр алмашдилар. Тадбир ниҳоясида этносларо тотувлиқни ривожлантириш ва жамоат ишларида жонбозлик кўрсатган бир гуруҳ фаоллар ва ёшлар қаноти

аъзолари фахрий ёрлиқлар билан тақдирланди. Улар орасида таниқли олима, М. Аюезов номли ЖЖУ профессори Соҳибжамол Қўрғонбоева, таниқли тадбиркор ва меценат Абдували Умаров, тадбиркор Гулираъно Мирҳайдарова, шаҳар ўзбек ЭМБ раиси муовини, ёшлар қаноти етакчиси Гулистон Сайдахметовалар бор.

Барча тақдирланган ҳамюртларимизни муборакбод этамиз.

Саид ТУРСУНМАТОВ.

Янги, 2025 йил муборак!



Ҳурматли юртдошлар!
2025 йил – ҳар бир қозоғистонлик учун янги имкониятлар, ютуқлар ва ёрқин келажак сари интилиш даври бўлади.
Биз 2024 йилда эришган ютуқларимизни мустақамлаб, янги марраларни забт этиш йўлида биргалликда ҳаракат қиламиз.

Сизларни яқинлашиб келаётган янги 2025 йил билан чин юракдан муборакбод этаман! 2025 йил ҳар бир оиллага бахт, барака, фаровонлик ва тинчлик олиб келсин! Ҳар кунингиз эзгулик ва шодибнага тўла бўлсин! Мамлакатимиз сарҳадлари мустақам, бирлигимиз бардавом бўлсин. Умумий мақсад йўлида биргалликда ҳаракат қилиб, давлатимизни янада мустақамлайлик!
Янги йилда ҳар бир қозоғистонликнинг орзуси рўёбга чиқиб, хонадонларингиз шодликка тўлсин! Мамлакатимиз равиққа топиб, доимо тинч осмон остида гуллаб-яшнасин!

Алишер СОВТОЛДИЕВ,
ҚР Парламенти Сенатининг депутаты.



Барчангизни Янги,
2025 йил билан
самимий муборакбод
этаман!

Қадрли юртдошлар!
Янги йил байрами – халқимизнинг севимли байрамларидан бири. Янги йил айёми – янги ўзгаришлар ва тараққиётимизнинг умиди. Янги йил – ёрқин келажакни бунёд этиш йўлида залворли ишларни амалга ошираётган меҳнатсевар халқимизнинг жамиятда барқарорлик ва ҳамжиҳатликни мустақамлаш, умуммиллий қадриятларни тиклаш борасидаги савъ-ҳаракатларининг рамзи.

Адолатли Қозоғистон – келажакимизнинг истиқбол, эртанги кунимизни белгилувчи аниқ режалар силсиласи. Янги йил элимизга осойишталик, хотиржамлик ва барака олиб келсин! Умиримизнинг ҳар лаҳзаси мазмунли ва баракали ўтсин!

Янги йил байрами қутлуг бўлсин, азиз юртдошлар!

Фахриддин ҚОРАТООЕВ,
ҚР Парламенти Мажлисининг
VI-VII чақириқлари депутати, жамоат арбоби.



Азиз ва муҳтарам ҳамюртлар!
Барчангизни кириб келаятган Янги йил билан муборакбод этаман!

2025 йилда Қозоғистон халқи Ассамблеяси ўзининг 30 йиллигини нишонлайди. Бу сана “Бирлик ва тотувлик йўлида 30 йил” шиори остида кенг нишонланади. Дарҳақиқат, юртимиз тинчлик ва осойишталик туфайли шу кунларга етиб келмоқда. Бу кунларнинг қадри баланд, албатта.

Қозоғистон ўзбеклари “Дўстлик” ҳамжамиятининг фаолияти ўтган 2024 йилда ниҳоятда сермазун ва баракали бўлди. Барча тадбирларимиз Қозоғистон халқи

Ассамблеяси раисининг ўринбосари – Қозоғистон Республикаси Президенти Маъмурияти Котибияти раҳбари Марат Азилханов томонидан юксак баҳоланди ва бошқаларга ўрнат қилиб кўрсатилди.

“Дўстлик” ҳамжамияти ва унинг минтақалардаги бирлашмалари баҳоли кудрат Қозоғистонда миллатлараро тотувлик муносабатларини ривожлантириш, тил, маданият ва миллий қадриятларни қарор топтириш учун салмоқли ҳисса қўшиб келмоқда.

Азизлар, сизларни ва кўп миллатли халқимизни янги, 2025 йил билан самимий муборакбод этаман. “Жанубий Қозоғистон” газетасининг жамоасига эса янги имконият ва ютуқлар тилаб қоламан! Байрам муборак бўлсин!

Икром ХОШИМЖОНОВ,
Республика ўзбеклари “Дўстлик” ҳамжамияти раиси.

Қадрдон
Туркистонга
туҳфаларим

ҚР Президенти Қ. Тўқаевнинг ташаббуси билан Туркистон шаҳрига махсус мақом берилди. Қутлуг бўлсин!

2024 йили ушбу кўҳна шаҳарда 600 ўринли NOMAD SCHOOL деб номланган умумтаълим мактаб-лицейи ҳамда Октябрь Жарилқапов номидаги замонавий спорт мажмуаларини бунёд этиб, жиҳозлаб, ёш авлод келажаги учун соғва қилганимдан беҳад миннатдорман. Барча ҳамюртларимизни янги 2025 йил билан муборакбод этиб, мустақам саломатлик, саодат ҳамда янги зафарлар тилайман.



Умбет ЖУСИПБАЕВ,
“Иасси” консорциуми раиси,
Туркистон шаҳрининг ва
Ўттор туманининг фахрий фуқароси.

P.S. Таҳририят фаол обуначимиз, бир неча чақириқ вилоят маслаҳатлари депутати Умбет Абилдаулини янги йилнинг биринчи ҳафтасида 70 ёшга тўлиши муносабати билан самимий табриклайди. “Иасси” консорциуми ва шаҳар стоматология шифохонасидаги қадрдон ҳамкасблари Раҳим Абдужабаров, Улуғбек Содиков, Абутолиб Нурмаханбетов, Гулнар Холметовалар ҳам ниятларини йўллайди.



Янги йил доим янги иш режалари, мурод-мақсадлар учун имкониятлар эшигини очади. Эл-юрт хизматида юрган ҳар қандай бирлашма вакиллари, жамоат арбоблари, фаоллар, фахрийлар, эл оғалари ҳам ўз янги иш режаларини тузиш билан банд бўлади. Шундай экан, мен ҳам Шимкент шаҳар Ал Форобий тумани бийлар кенгаши раиси, туман ўзбек этномаданият бирлашмаси раиси сифатида келгуси йилимизни янада баракали, фаровон, тинч ва осуда бўлиши учун муҳим ташаббусларни илгари сурмоқдан, жамиятдаги муҳим ва долзарб масалаларга алоҳида аҳамият қаратмоқданан. Хуллас, янги йилдан умидлар бисёр.

Барчангизни Янги йил билан чин дилдан қутлайман. Ёшим 75да, бир нуроний отахон сифатида ҳар бир оиллага оилавий бахт, тинчлик ва файзу барака тилайман!

Орипжон ХОЛНАЗАРОВ,
Шимкент шаҳар Ал Форобий
тумани бийлар кенгаши раиси,
туман ўзбек этномаданият
бирлашмаси раиси.

БАЙРАМ ДЎСТЛИК
РУҲИДА ЎТДИ

Янги йил муносабати билан Сайрам мавзесидаги “Ақ ниет” тўйхонасида байрам тадбири ўтди. Шимкент шаҳар ўзбек этномаданият бирлашмаси ва санъаткорлар уюшмаси билан ҳамкорликда ташкил этилган ушбу тадбирда Қозоғистон ўзбеклари “Дўстлик” ҳамжамияти кенгаши аъзолари тадбирнинг фахри меҳмони бўлишди.

Байрамона безатилган тўйхона даҳлизидида “Гунча” халқ ашула ва рақс ансамбли миллий куй-қўшиқлар билан меҳмонларни қарши олди. Бошловчилар даврага Қорбобо ва Қорқизни таклиф этгач, меҳмонлар болалик даврига қайтгандек бўлишди. Соғалар улашилди, кўплаб табриклар янгради. Қозоғистон ўзбеклари “Дўстлик” ҳамжамияти раиси Икром Хошимжонов, Шимкент шаҳар ўзбек этномаданият бирлашмаси раиси Тоҳиржон Нишонбоев, “Дўстлик” ҳамжамияти қошидаги оқсоқоллар кенгаши раиси Бегмат Турдиқулов, шаҳар Ал



Тўйчивой Тошқужаевлар ҳам бор.

Жамоат бирлашмалари ва санъаткорлар ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда ўзига хос мушоира кечаси ҳам ўтди. Ж. Ташенов номидаги университетнинг халқаро ишлар департаменти раҳбари, педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори Шахло Норалиева ва ҚХАнинг ўзбекистонлик “Дўстлик элчиси” унвони соҳибаси, филология фанлари доктори Хулқаро Ҳамроева бошчилигидаги гуруҳ ташкилотчилар томонидан уюштирилган кичик танловни ҳам қизиқарли шеърхонлик мусобақасига айлантириб, даврага ўзгача файз киритди. Кенг жамоатчилик иштирокчиларнинг ғазал, рубоий, машхур шеърлардан парчаларни ёд олишларини мириқиб тинглади. Ғолибларга эсдалик совғалари топширилди.

Қолаверса, ушбу тантана ҳамюртларимиз бирлиги ва ҳамжиҳатлигини яна бир қарра амалда исботлади ва иштирокчиларга самимий хушайфият бағишлади, илиқ таассурот қолдирди.

Н. МАВЛОНОВА.

Янги йил келмоқда...

Орзуларни қоғиға солиб,
Қалбимиздан ғуборни олиб,
Эҳ, эски йил ортларда қолиб,
Янги йил келмоқда, яна Янги йил!
Бахт, омадли бўлгин, Янги йил,
Даромадли бўлгин, Янги йил,
Муҳтож кўнаил асло бўлмасин,
Саломатли бўлгин, Янги йил!

Кибр, ҳасад, айлансин тошга,
Ақл бергин, ҳар битта бошга,
Улғайибмиз, яна бир ёшга,
Янги йил келмоқда, яна Янги йил!
Кўвонқ чехра шодон нигоҳлар,
Мангу бўлсин, бахтли никоҳлар,
Омон бўлсин, кўзи қаролар,
Янги йил келмоқда, яна Янги йил!
Тинчлик бўлсин, юртда илоҳим,
Қўллаб турсин, ўзи Аллоҳим.
Кечир бўлса, инсон гуноҳи,
Янги йил келмоқда, яна Янги йил!

Холмурод УМАРОВ,
“Сайрам” ижодий уюшмаси раиси.

Янги, 2025 йилинги
муборак, азиз қўстлар!

Навбатдаги янги йил, дўстлар кириб келмоқда,
Дилларда ажиб ҳислар, ишрин уйлар елмоқда.
Кўл очиб дуоларга, Яратгандан тиларимиз,
Унинг марҳаматининг, кенглигини биларимиз.
“2025”, дермиз, ишлар бўлаёт беш,
Ўзи бериб мадад, куч, йилни яшаб ўтайлик,
Аҳиллик, тотувликда яшаб олға кетайлик,
Кўзлаган орзу ният, муродларга етайлик.
Иңқирозлар сира ҳам,

бошларимиз эзмагай,
Бало-қазо офатлар келиб,
Табиат инжиқлари,
Хонадонларга қайғу,
Зилзила, тошқинлардан,
сизга тегмагай,
бизни енга олмагай,
аламларин солмагай,
сиз зарар кўрмайлик,

Паноҳлар излаб Ҳақдан, уй-жойлар ҳеч сўрмайлик.
Йилимизни қувончлар, шодликда ўтказайлик,
Дилларимиз ғуборин, қолдирмай кетказайлик.
Жорий йилда одамлар, сира касал бўлмагай,
Дарддилларнинг дардиға, Хубойим шифо бергай,
Соғу саломат яшаш, имконларини тергай.
Мўл кўпчилик аёж олиб, хирмонлар донға тўлгай,
Уйларимизда доим, қут-у барака бўлгай.

Келгуси йилларга ҳам, шундай ета берайлик,
Етказганға шукр деб,

истиқфорлар терайлик.

Табрикларин сўнғаида,

Сизларга букун Лочин,
Тилақларим самимий,
деяр, бари дилдан, чин.
Янги йил барчамизга,
қутлуг бўлгай азизлар,
Тарк этмагай бизларни,
дўстона сиз-у бизлар.

Анормат ЛОЧИН,
Тўлбей туман ўзбек
этномаданият бирлашмаси
раисининг ўринбосари.



Янги, 2025 йил муборак!



Олти ёшга тўлган Туркистон вилояти сайёҳлик, қишлоқ хўжалиги ҳамда саноат соҳалари тараққий этаётган минтақа сифатида тараққий этмоқда. Вилоят марказида бир йилда бунёд этилган "Дўстлик уйи" нинг тантанали очилиш маросимида ҚР Президенти ҳамда Қозоғистон халқи Ассамблеяси раиси Қасим-Жўмарт Кемелули шахсан таширф буюрганлиги барчамиз учун ҳам ифтихор ҳам юксак масъулиятдир.

Вилоятимизда ўзбек тили, маданияти ва анъаналарини ривожлантириш билан биргаликда давлатимизнинг тинчлик, тотувлик, тараққиётга қаратилган доно сиёсатини ҳамжиҳатликда амалга ошириш, ёш авлодни ватанпарварлик руҳда тарбиялаш, барқарорлик, дўстлик каби неъматларни улуғлаш – муштарак бурчимиздир. Мустақиллик тенгдоши бўлган "Жанубий Қозоғистон" вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси ҳар бир хонадоннинг суюкли ҳамроҳидир. Янги йилда бунёдкорлик, эзгулик йўлидаги ниятларимиз ижобатини бериб, ҳар бир хонадонда сихат-саломатлик, осойишталик ва барака барқарор бўлсин!

Бақодир ИРИСМЕТОВ,
Туркистон вилоят ўзбек этномаданият бирлашмаси раиси, ҚХА аъзоси.



Янги йил арафасидаги хушxabар – вилоят ҳамда жаҳон туризм маркази, туркий оламнинг маънавий пойтахти Туркистон шаҳрига ҚР Президенти Қ. Тўқаевнинг ташаббуси билан махсус мақом берилишидир. Халқимизнинг кўп йиллик орзулари ушалди. Муборак бўлсин!

Янги йил арафасида 74та умумтаълим мактабига 40 нафардан ўзбек тилидаги бадиий, адабий китобларни совға қилганимизни мамнуният билан қайд этамиз. Маънавият, маърифат, маданият равақи йўналишидаги бундай хайрли ишлар келажакда ҳам давом этади. "Жанубий Қозоғистон" газетасига обуна борасидаги хайрли ишлар давом этмоқда. Кириб келаятган янги 2025 йил барчамиз ва ҳар бир хонадон учун янги зафар, шодлик, сихат-саломатлик, кут-барака ва хотиржамлик йили бўлишини тилаймиз.

Райимжон ҚУЧҚОРОВ,
Туркистон шаҳар ўзбек ЭМБ ва "Үлес" хайрия жамғармаси раиси, ҚХА аъзоси, Туркистон шаҳрининг фахрий фуқароси.



Мухтарам ҳамюртлар! Барчангизни Янги йил билан муборакбод этаман ва энг эзгу тилакларимни йўллайман.

Истагим – юртимиз фаровон бўлса. Ёшларимиз тадбиркорлик ва иқтисодиёт соҳаларини яхши ўзлаштириб, Қозоғистонимизнинг тараққиётини таъминласа. Эҳтиёжманд фуқароларнинг сони камайса. Албатта, тажрибали тадбиркор сифатида кучли иқтисодиёт тарафдориман. Кучли иқтисодиёт ва барқарор тадбиркорлик бор жойда аҳолининг ҳаёт даражаси юксалади.

Фаол жамоатчи сифатида юртимизда тинчлик-осойишталик, турли миллат вакиллари ўртасида дўстлик ва ҳамжиҳатлик барқарор бўлса, дейман.

2024 йилда эришган барча муваффақиятларимиз 2025 йилда янада бардавом бўлиб, салоҳиятимиз ва имкониятларимиз ортаверсин. Ҳар бир хонадонга тинчлик-хотиржамлик, фаровонлик, соғлиқ-омонлик, бахту иқбол тилайман!

Шухрат РЎЗИМЕТОВ,
Шимкент шаҳар Ал Форобий туман ўзбек этномаданият бирлашмаси раиси.

ДИЛЛАРДА БАЙРАМ ШУКУҲИ

Кириб келаятган Янги 2025 йил арафасида шаҳар таълим бошқармасининг ўзбек тили ва адабиёти фани услубиятчиси Нилуфар Абдикарим қизи Қўрғонбоева ташаббуси билан шаҳримиздаги ўзбек тили ва адабиёти устозлари аънаёнага айланган Янги йил базмини ташкил қилишди.



Базм меҳмонлари Шимкент шаҳар ўзбек этномаданият бирлашмаси раиси, таниқли ҳомий Тоҳирбек Нишонбоев, Ал Фаробий тумани ўзбек этномаданият бирлашмаси раиси Шухрат Рўзиметов ҳамда Шимкент шаҳри ва Туркистон

вилояти «Өрлеу» ўқитувчилар малакасини ошириш институти катта ўқитувчиси, мураббий Мафҳуза Мусаевалар кечани очиб, эзгу тилакларини билдирдилар.

Тадбирда «Ўзбек тили, маданияти ва анъаналари куни»

байрамида фаол иштирок этган устозларга ташаккурномалар ва эсдалик совғалари топширилди.

Ажойиб суҳандон ва педагог Достон Маҳкамбоев, дилрабо кўшиқлар ва турли танловлар байрам файзига яна ҳам файз

киритди. Уч соат давом этган байрам жуда файзли ва ажойиб ўтди.

Кириб келаятган Янги 2025 йил барчангизга кутлуг бўлсин!

Саид ТУРСУНМАТОВ.

Қадрли ҳамюртлар! Барчангизни Янги йил байрами билан самимий муборакбод этаман! Янги йил юртимизга тинчлик, тараққиёт ва фаровонлик олиб келсин. Ҳар бир оилада қувонч ва бахт-саодат ҳукмрон бўлсин.

Қозоғистон доимо юксак чўққиларга етишиб, дўстлигимиз ва бирдамлигимиз янада мустақамлансин. Халқимизнинг Адолатли Қозоғистонни барпо этиш йўлидаги сый-ҳаракатлари самарали ва натижалли, келажакимиз ёрқин ва нурафшон бўлсин!

Янги йил барчамизга сихат-саломатлик, катта ютуқлар ва бахтли онлар олиб келсин! Янги йил муборак бўлсин!

Мадияр МУҲИДДИНОВ,
Сайрам туман маслаҳати депутати.



ҲОКИМ АРЧАСИ КИЧКИНТОЙЛАРГА ҚУВОНЧ УЛАШДИ

Оқсувкент қишлоғидаги «DIAMOND» тантаналар сарйида туман ҳокимининг «Хуш келдинг, Янги йил!» тадбири ўтди. Унда туман ҳокими А. Сабитов, туман прокурори Д. Тлемисов, туман "AMANAT" партияси Сайрам туман бўлими ижроия раиси Қ. Сиздиқов, туман таълим бўлими мудир Б. Ахметов, туман ҳокими ўринбосари М. Алипов, туман фавқуллода вазиятлар бўлими бошлиғи, фуқаро муҳофазаси подполковниги А. Тўлепбергеновлар иштирок этишди.



Ранг-баранг чироқлар, бежирим безаклар, чиройли арча болаларга қувонч бахш этди. Туман ҳокими А. Сабитов арча чироқларини ёқиб, болажонларни Янги йил билан табриклади ва эзгу тилакларини изҳор этди.

Болаларга эсдалик совғалари, ширинликлар тарқатилди. Тадбирда аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламлари ва кам таъминланган оилаларнинг 120 нафар фарзанди иштирок этди. Қорбобо, Қорқиз, Илон ва турли эртак қаҳрамонлари йиғилганларга кўтаринки кайфият улашди. Шунингдек, болажонлар ҳам санъатини намойиш этиб, Қорбобонинг совғаларидан баҳраманд бўлдилар.

Бу оқшомда янграган гўзал кўшиқлар ва саҳна кўринишлари болажонларда унутилмас таассурот қолдирди.

З. АҲМАДЖОНОВ.

Тасвирларда: тадбирдан лавҳалар.

ҒАЙРАТ МАҲКАМБОЙ ЎҒЛИГА – ЮКСАК МУКОФОТ



Фаол обуначимиз, "Маҳкамбой ота" МЧБ раҳбари, Туркистон вилоятининг ибратли фуқароси, "Халқ эҳтироми" ордени соҳиби, вилоят маркази Туркистонда эл манфаати учун жуда кўплаб замонавий бинолар – мактаб, клиника-шифоҳона, меҳмонхона, тўйхона, ёпиқ сузиш бассейни, спорт мажмуаси каби иншоотларни сифатли бунёд этган Ғайрат Акешов элнинг эътиборини қозонган инсон.

Олти ёшга тўлган вилоятимиз тарихида унинг муносиб хизматлари кўп. Хусусан, 2018 йили Туркистон вилоятининг биринчи ҳокими Жансейит Тўймебаев шахарни оралаб, вилоят ҳокимлиги бошқарма ва департаментлари учун айнан Ғайрат Акешов бунёд этган


замонавий биноларни ижарага олганлиги шонли тарих.

Бақодир Ирисметов раҳбарлик қилаётган вилоят ўзбек этномаданият бирлашмаси бошқаруви тавсияси билан таниқли бунёдкор тадбиркор Ғайрат Маҳкамбой ўғли ҚХА раисининг ўринбосари Марат Азилханов имзолаган ҳужжат асосида "Алғыс" кўкрак нишонини билан тақдирланди. Муборак бўлсин!

Ш. МАДАЛИЕВ.

Тасвирда: тадбиркор Ғайрат Акешов ўринбосари Тўлқин Тойжонова, фарзандлари Моҳигул, Абдулла Маҳкамбоевлар, кўеви Бекзод Наби ўғли ва ҳамкасблари билан.

Муаллиф суратга олган.



Мукофот муборак!

Яқинда Саврон тумани маслаҳатида бир гуруҳ ҳамюртларимиз турли мукофотлар билан тақдирланди.

Саврон тумани Чипон қишлоқ ўзбек этномаданият бирлашмаси раиси, туман оқсоқоллар кенгаши аъзоси, «Жанубий Қозоғистон» вилоят газетасининг доимий тарғиботчиси Жумадулла Абенев «Ел қўрмет» медални билан тақдирланди. Отаҳонга сихат-саломатлик, узоқ умр тилаб, муборакбод этамиз.

Саид ТУРСУНМАТОВ.

»» Саховат

"SAHIY"NING TUҒFASI

Қорабулоқ қишлоғидаги "Sahiy" хайрия жамғармаси ҳамда "Ошбулоқ" жоме масжиди ташаббуси билан ҳашар уюштирилиб, эҳтиёжманд фуқаро Зокиржон Насриддиновнинг уйи тўлиқ таъмирланди. Шу ўринда маҳалла аҳли, қишлоқдаги тадбиркорларнинг беғараз қўллови ва сый-ҳаракатларини алоҳида таъкидлаш жоиз.



З. АҲМАДЖОНОВ.
Тасвирда: ҳашар йўли билан таъмирланган уй. Сайрам тумани.

САХОВАТПЕША ЁШЛАР КЎПАЙМОҚДА!



Саховат – инсоний қадриятлар гултожи. Меҳра муҳтож ҳар бир инсоннинг қувончига сабаб бўладиган, синиқ қалбига кўтаринки руҳ бахшида эта олсак, эзгуликни улаша олсак, бу ҳам улкан бахт.

Шундай савоб иш куни кеча 3-сонли Ҳамза номидаги умумтаълим мактабининг 11-“Г” синф ўқувчилари ҳамда синф раҳбари билан ҳамкорликда амалга оширилди. Ўқувчилар Шимкент шаҳрининг Сайрам даҳасидаги “Сайрам” ёрдамчи мактаб-интернат-коллежи махсус мажмуасида таълим оладиган ўқувчилар учун Янги йил байрамини ташкил этди.

Тадбирда махсус концерт дастури тақдим этилиб, совғалар улашилди. Ўқувчилар ҳам кўшиқ ва рақслар ижро этишди. Файзли тадбир ўқувчиларга кўтаринки руҳ бағишлади.

“Жанубий Қозоғистон” мухбири.

»» Саховат



ЯНГИ ЙИЛ АРАФАСИДА – ХАЙРИЯ

Қорабулоқ қишлоғидаги “Султонниёз ота” тамаддиҳонасида Янги йилга бағишланган хайрия тадбири ўтди. У “Sahiy” хайрия бирлашмаси, оналар гуруҳи ҳамда хусусий тадбиркорлар Зокиржон Мадикаримов ва Абдихалил Анортоевларнинг ҳомийлигида уюштирилди.



Тадбирда оналар кенгаши раисаси Сайёра Шукурова, тамаддиҳона бошқарувчиси Қизилгул Анортоева, хайрия бирлашмаси аъзоси Илҳом Абдукаримовлар сўзга чиқиб, болажонларни байрам билан кутлашди. Шунингдек, иштирокчиларга ҳомийларнинг совғалари топширилди.

З. МҮМИНЖОНОВ.
Тасвирда: тадбирдан лавҳалар.



“Turkestan Chefs Hub” бирлашмасининг бош ошпазлари “Shymkent Tourism Bureau” ташаббуси билан “Game of Food GastroAntalya24” 5-Халқаро гастрономик танловда иштирок этиб, иккита олтин, бешта кумуш ва бешта бронза медалларини қўлга киритишди. Ўрта ер денгизи гастрономияси ва ошпазлик санъати юлдузларининг Ҳамжамияти томонидан уюштирилган ошпазлар беллашувида 36та мамлакатдан юзлаб бош ошпазлар 46та тоифада маҳоратларини синашди. Учинчи мегаполисининг гастрономик салоҳиятини 7 нафар бош ошпаз намоёниши этди ва мукофотлар хуржунини медаллар билан бойитишди.



– Биз халқаро танловда Қозоғистон шарафини юксак фахр туйғуси билан ҳимоя қилдик, – дейди суҳбатда “Turkestan Chefs Hub” президенти Саид Рошаев. – Шимкентлик истеъдодли бош ошпазлар жамоаси Бекнур Сиязов, Айдар Адиллов, Нурсултан Исмоилов, Рустам Зиганшин, Максим Усачёв ва Тўлеген Қўсбаев “Модерн”, “Қўй гўшtidан тайёрланган таомлар”, “Балиқ таомлари” номинацияларида куч синашишди. Биз танловда маҳаллий маҳсулотлардан тайёрланган таомларимизни замонавий услубларда тақдим этишга ҳаракат қилдик. Маҳаллий маҳсулотларимизни барра ҳолатида етказиш ҳамда сақлаш биз учун ишонаверинг, ҳақиқатан ҳам, катта синов бўлди. Масалликларни барра ҳолида сақлаш учун махсус термобоксларда олиб бордик. Айнан мана шу маҳсулотлар барраллиги улардаги ўзига хос, бетакрор таъм ва хусусиятларни сақлаб қолишига имкон берди. Айнан шундай услуб беллашувда афзаллик берди ва танлов ҳакамлари ҳам миллий ошхона-

ОШПАЗЛАРИМИЗНИНГ ЖАҲОН САҲНАСИДАГИ ҒАЛАБАСИ

мизнинг сифати ва ўзига хослигини алоҳида таъкидлашди. Рақобат жуда кучли бўлди. Халқаро танловда Туркия, Озарбайжон, Россия, Жанубий Корея, Марокаш, Эрон, Ливия, ҳаттоки, Фаластиндан ҳам таниқли ошпазлар иштирок этишди. Шартларнинг мураккаблигига қарамай, йигитларимиз миллий ошхонамизнинг жаҳон таомлари орасида нуносиб мавқеини моҳирона исботлашди. Шимкентнинг

Туризм бюроси билан биргаликда икки томонлама пазандачилик муносабатлари (кулинарное взаимодействие) ва ҳамкорликни ривожлантириш тўғрисидаги меморандумни имзолашди ҳамда шу билан бирга, келгуси йили Боку шаҳрида ўтказиладиган “Олтин Шоҳ” ва Туркияда ўтказиладиган “Миллий ошхона” фестивалларига таклиф қилинди. Кучли ошпазлар иштирок этган танловдаги ғалабаси вилоятимизнинг гастрономик мавқеининг юксалаётганидан далолат беради.

Вилоятимиздан иштирок этган 6 нафар бош ошпазнинг маҳоратини намоёниш этиши Шарқ таомлари билан бирга, Европа таомларини ҳам қиёмага етказиб тайёрлашгани ҳақиқатан ҳам таҳсинга сазовор. Фестивалда иштирок этган жамоа аъзоси Нурсултан Исмаилов билан бу борадаги суҳбатимиз ошпазлик маҳорати, осийликларнинг таомланиш услуби ва ҳозирги тренд таомлар хусусида бўлди.

Фестиваль иштирокчиси Нурсултан Исмаилов Ўзбекистоннинг Бўстонлик туманида таваллуд топган. Банк иши ихтисослигини тамомлаган. 2012 йили Қозоғистонга оиласи билан кўчиб келишган. Оилада 3 ўғил фарзанд ҳамда отасининг касби ошпаз бўлганлиги Нурсултаннинг келажақда касб танлашига ҳам таъсир кўрсатди.

– Отам Ўсман Исмаилов Бўстонлик туманида таниқли инсон. Ёшлигидан турли тадбирларда 200-300 килодан палов тайёрлаганлар, – дейди Н. Исмаилов. – Ошпазликка қизиққаным учун 2 синфдан уйда овқат пиширдим. 7-синфдан бошлаб бемалол тандирда нон ёпардим. Буни менга ҳеч ким мажбурламасди, аксинча, ўзгача бир иштиёқ билан тайёрлардим. Қозоғистонга кўчиб келгач, Қарағанди шаҳридаги тамаддиҳонада 5 йил ошпазлик қилдим. Ленгер шаҳридаги “Алматау” курортида ҳам ошпаз бўлиб ишладим. Янги йил арафасида аксарият тамаддиҳоналарнинг таомномалари янгиланиб,



ҳамюртларимиз ва вилоятимиз меҳмонларига ёзилган дастурхон байрамона бўлиши керак.

– Фестивалда дунё ошпазлари ҳамда хўрандаларга қандай таомларни намоёниш этдинглар ва бу соҳада қандай янги трендлар мавжуд?



– Қўй гўшти ҳамда балиқдан таомлар тайёрладик. Уларни тайёрлаш технологиясига амал қилган ҳолда

юртимиздаги сара зирavorлардан фойдаланиб, ҳакамлар ҳайъатига тақдим этдик. Узим Европа, ўзбек, қозоқ, умуман, шарқ ҳамда пан-осиё таомлари бўйича бош ошпазман, 10 нафар шогирдимни етиштирдим. Улар турли шаҳарларда меҳнат қилишмоқда ва аллақачон ўзларининг ҳам шогирдлари бор. Шундай йўналишни афзал биламан – шарқона миллий таомларни европача, яъни замонавий услубда, тайёрлашни жараёнидаги технологиясига амал қилган ҳолда маҳаллий зирavorлар билан хўрандаларга тақдим этиш. Ҳозир ҳамюртларимиз хорижий давлатларга кўп саёхатларга чиқишпти, табиийки, Ўрта ер денгизи ошхонасининг таомларини ўз ватанларида ҳам истеъмол қилгилари келади ва бунинг учун зарур зирavorлар ҳамда денгиз, уммон неъматлари бозоримизда бисёр. Махсус қайлалар бир овқатга бетакрор таъм ва хусусият беради. Бош ошпазлар бирлашмасидаги ҳамкорлигимиз давомий мақсадимиз – ёш шогирдларимизни хорижий давлатларга чиқариб, миллий ошхонамизни дунёга танитиш.

– Тўғри таомланиш борасидаги фикрларингиз. Кириб келаётган Янги йилда қандай таомларни тайёрлашни тавсия қилган бўлардингиз?

– Ҳозир ривожланган мамлакатлар аҳолиси ижобий маънода “тўғри таомланиш” хасталигига чалинган

ва бу тўғри. Биз эса, ярим кечаси уйғониб ҳам хамир овқат ейишга одатланганмиз. Тўғриси, бўкиб овқат ейишга одатланиб, шу билан бирга кенгайган ошқозонни жарроҳчилик йўли билан қисқартиш тажрибаси бизда урфга айланыпти. Афзали, таомланиш рақибимизга эътибор қаратишимиз жоиш. Вужудимизга керак, дармондориларга бой маҳсулотларни истеъмол қилган мақсадга мувофиқ. Ёғли, қовурилган, углеводли таомлардан парҳез қилишни маслаҳат берган бўлардим. Хамир таомлардан кўра, турли сабзавотларга, яъни клетчаткага бой маҳсулотлардан тайёрланган шакаробларни истеъмол қилишни тавсия қиламан. Зайтун мойи билан аралаштирилган сабзавотлар дармондориларга бой. Ҳамюртларимизнинг кўпчилиги шундай овқатланиш тартибига ўятпти ва шу тахлитда хизмат кўрсатадиган тамаддиҳоналар ҳам бор. Аҳолининг 40 фоизи шундай тарзда таомланса, бундай хизматни тақдим этадиган қаҳвахоналар ҳам кўпаяди. Улуғларимиз бежиз, “Сен – бу сен истеъмол қиладиган таом”, деб бежиз айтишмаган. Байрам дастурхонига келсак, бекажонларимиз шундоқ ҳам оила аъзоларининг ҳидига қараб таом тайёрлашнинг ҳадисини олишган. Бугда, печда димланиб пиширилган ёки оловда тайёрланган денгиз маҳсулотлари, балиқдан тайёрланган таомлар ҳеч қачон урфдан қолмайди.

– Мазмунли суҳбатингиз учун ташаккур!

М. САЪДУЛЛАЕВА суҳбатлашди.

“ЭНГ ИЛГОР ҚИШЛОҚ МАКТАБИ – 2024” УНВОНИ СОҲИБИ

ҚАРНОҚ ҚИШЛОҒИДАГИ М. ҚОШҒАРИЙ НОМЛИ МАКТАБ-ЛИЦЕЙНИНГ ЗАФАРЛИ ОДИМЛАРИ



Ушбу мақоламиз Қарноқ қишлоғидаги М. Қошғарий номли мактаб-лицейда амалга оширилган ишлар ва ютуқлар сарҳисобидир.

Мактаб-лицейда 162 нафар педагог фаолият юритмоқда. Улардан 1 ўқитувчи “педагог-уста”, 37 ўқитувчи “педагог-тадқиқотчи”, 31 ўқитувчи “педагог-таҳлилчи”, 42 ўқитувчи “педагог-модератор” тоифасига эга.

1397 ўқувчи таҳсил олаётган 106 ёшли таълим даргоҳи учун 2024 йил муваффақиятли бошланди. Январ ойида ўқувчиларнинг умумтаълим фанларидан вилоят олимпиадасида мактабимиздан 19 ўқувчи Кентов шаҳри шарафини ҳимоя қилиб, барчаси фахрли ўринлар соҳиби бўлишди. Жумладан, С. Ирискулова, Г. Неметова (қозоқ тили), Л. Раҳматуллаева, Д. Раҳимжанова (ўзбек тили), Ф. Анваров (инглиз тили), М. Абдулхамидова (рус тили), Ф. Абдулазов (информатика) I ўринни эгаллашса, Л. Изатуллаева, Б. Абдужалилова (хуқук), Н. Хусанова (биология), Д. Пазилова (кимё), Ж. Алимжанов (физика), М. Ҳакимжонов (информатика) II ўринни эгаллади. С. Раимов (математика), Ш. Азаматов (физика), У. Мухтарова (Қозғоғистон тарихи), Н. Даниёр қизи (рус тили), Н. Раҳимжанова (информатика) ҳам совриндорлар сафидан ўрин олишди.

Март ойида ўтган республика олимпиадасида С. Ирискулова қозоқ тили фанидан вилоятимиз шарафини ҳимоя қилиб, фахрли II ўринни эгаллади.

Илмий пойтахалар бўйича шаҳар босқичида 22 ўқувчи иштирок этди. Шулардан Л. Изатуллаева (инглиз тили), Б. Насруллаева (инглиз тили), Ж. Хусанова (биология) I ўринни эгаллади.

2023-2024 ўқув йилида мактабни 61

нинг қўлланилиши”, О. Бабашов, Н. Абдуллаеванинг “Эссе ёзиш орқали ўқувчиларнинг мустақил фикрлаш кўникмасини шакллантириш”, Ф. Раимованинг “Эсселар тўплами”, биология фани ўқитувчилари Д. Хошимова, Ф. Эрметованинг “Исследование инновационных технологий на уроках биологии”, инглиз тили фани ўқитувчиси М. Абдураимованинг “In the world of grammar” тўпламлари, кутубхона мудири С. Мирзахмедованинг “Китобсевар мактаб лойиҳаси” бўйича олиб бораётган ишлари шаҳар миқёсида оммалаштирилди. Ўзбек тили ва адабиёти ўқитувчиси Д. Сайфуллаевнинг “Услубият ва нутқ маданияти” муаллифлик дастури вилоят миқёсида оммалаштиришга тавсия этилди.

Ўқитувчиларимиздан О. Бобошов,

бўлди. Астана шаҳрида қишлоқ мактаблари ўқувчилари учун ўтказилган умумтаълим фанлари бўйича республика олимпиадасининг республика босқичида илгор шоғирларимиз яна бир бор маҳоратларини намойиш этишди. Олимпиадада мактабимиздан етти ўқувчи иштирок этди. Улар 2 олтин, 3 кумуш ва 1 бронза медални қўлга киритишди. Жумладан, физикадан Жасур Олимжонов (ўқитувчиси А. Орзуметов), рус тилидан Наргиз Дориёр қизи (ўқитувчиси С. Раҳмонкулова) I ўринни, информатикадан Ф. Абдулазов (ўқитувчиси Б. Курбонов), қозоқ тили фанидан Г. Неъматова (ўқитувчиси Ф. Бобохонова), математикадан С. Раимов (ўқитувчиси З. Абдуллаева) II ўринни, биологиядан Д. Базарбаева (ўқитувчиси Д. Алиева) III ўринни эгаллади. Инглиз тилидан Ф. Анваров (ўқитувчиси Ш. Тожтемирова) Мақтов қозғоғи билан, рус тили С. Зоҳидинова (ўқитувчиси С. Раҳмонкулова), биология фанидан Ф. Қудратуллаев (ўқитувчиси Д. Эрметова) Сертификат билан тақдирланди. Республикада юқас натижа кўрсатгани учун мактаб-лицейимизга “Пешқадам қишлоқ мактаби – 2024” унвони берилди. Бу жамоамизнинг бир йил давомида амалга оширган фидокорона меҳнатига берилган муносиб баҳодир.

Замон билан ҳамнафас бўлиб, таълим-тарбия ишларида яхши натижаларга эришаётганимиз ҳамкасбларимизнинг вақт билан ҳисоблашмасдан ишлаётганидан, қоллар, мактаб мазмуриятининг, мактаб-лицей директори А. Асоевнинг, ўқув ишлари бўйича директор ўринбосарлари Д. Азизова, Т. Маменов, А.

У. Солишева, Д. Сайфуллаев Тошкент шаҳрида ўтказилган “Рақамлаштириш даврида Ўзбек тилини хорижий тил сифатида ўқитиш масалалари: маҳаллий ва хорижий таъриба” халқаро илмий анжуманида маърузалари билан иштирок этишди. Ф. Раимова Астана ва Туркистон шаҳрида ўтказилган “Ғасир данаси - Ахмет Ясауи” республика анжуманининг икки босқичида маъруза ўқиди. Г. Мирзанеъматова “Қозғоғистон тарихи фанини ўқитишда билингвал таълимдан фойдаланиш”, Д. Миренов “Тарих дарсларида рақамли захиралардан фойдаланиш орқали билим сифатини ошириш”, З. Абдуллаева “Математикадан олимпиада масалаларини ечиш усуллари”, Ш. Холиқов “Оддий касрларни ва аралаш сонларни бўлиш” мавзуларида вилоят семинарларида маъруза ўқиди.

Шунингдек, мактаб-лицейдаги таълим жараёни бўйича таърибаларни ўртоқлашиш мақсадида “Аралаш мактаблардаги давлат тилининг ўқитилиш

сифатини ошириш: мақсад, функционал саводхонлик, ватанпарварлик”, “Ўқувчиларнинг ижодий тафаккури, ўзларини ривожлантириш ва сифатли таълим олишига таъсир этиш усуллари”, “Аралаш мактабларда биология фанини давлат тилида ўқитиш сифатини ошириш”, “Урғанайлик,



Сайфуллаева, Д. Хошимова, тарбия соҳасидаги муовинлар Л. Хамзаева, Ш. Алиевларнинг устозлар учун зарур шартлоғларни яратиб бераётганидан дид.

– 2024 йил якунларидан мамнунмиз. Янги йил эшик қоқмоқда. Олдимизда янги довлар кутиб турибди.



Яқинда ўтган ўқувчиларнинг шаҳар олимпиадасида 14 ўқувчи I ўринни эгаллаб, вилоят олимпиадасига йўланма олишди. Улар яқин кунларда шаҳримиз шарафини вилоятда ҳимоя қилишди. Ҳозир қизгин тайёргарлик кўришмоқда. Янги йил, албатта, янги ютуқларга, янги хушхабарларга тўла бўлади, деб уйлайман. Янги йил муборак бўлсин! – дейди мактаб директори А. Асоев.

Оятхон САЙФУЛЛАЕВА,
М. Қошғарий номли мактаб-лицейнинг йўналтирувчи таълим бўйича директор ўринбосари.

Р.С. Таҳририят фаол жамоатчи обуначимиз, сергайрат директор Артур Асоев раҳбарлик қилаётган М. Қошғарий номли мактаб жамоасини «Энг илгор қишлоқ мактаби – 2024» фахрий унвони билан самимий муборакбод этиб, келажакда янги зафарлар тилайди.

Тўйхат ўрнида

ҲАР СОҲАДА ПЕШҚАДАМ УСТОЗ ТАБАРРУК ЁШДА

Инсон ҳаётини тез оқар дарёга менгзаш мумкин. Ҳаётнинг ҳар бир дақиқаси ўлчанган. Ундан унумли фойдаланган кишининг ҳаёт мактаби асрларга татигулик бўлиб қолади.



Мақоламиз қаҳрамони Каримқул Пулатбоев ана шундай ўз умрини фойдали юмушларга буркаган, ёшларнинг маънавий оламини шакллантириш, уларни мустақил фикрлаш, онли яшаш руҳида тарбиялаш, бугунги ва эртанги кун талаблари билан ҳамқадам инсон.

У 1955 йил 2 январда Сайрам қишлоғида туғилиб, “Пахтакор” мактабидан, сўнгра Тошкент шаҳридаги Низомий номли давлат институтидан тахсил олди. Каримқул Шамшимат ўғли 1977-1994 йилларда “Пахтакор” мактабидан ўқитувчи, директорнинг тарбиявий ишлар бўйича ўринбосари, 1994-2014 йилларда Сайрам туман таълим бўлимида услубиятчи-ўйриқчи, 1999-2014 йилларда Сайрам қишлоқ округи ҳокимининг ўринбосари лавозимларида ишлади. 2014 йилдан “Қизилсув” мавзесидаги «Назира она» хусусий болалар боғчасида услубиятчи лавозимида фаолият юритмоқда.

– Ўзбекистон халқ артисти Фахриддин Умаровнинг “Умр ўтмоқдадир, умр ўтмоқда” кўшигини тинглар эканман, ўтган умрим, орда қолган йилларим, 28 йиллик педагогик фаолиятим, 15 йиллик

Сайрам қишлоқ ҳокими ўринбосари ва 5 йил туман таълим бўлимида услубиятчи-ўйриқчи ва “Назира ана” хусусий болалар боғчасидаги услубиятчи сифатида 11 йиллик фаолиятим кўз ўнгимдан ўтади, – дейди қаҳрамонимиз.

Табаррук 70 ёшни қарши олаётган Каримқул ака кўнгли пок, санъат ва маънавиятга ошнолиги, олижаноблиги, меҳнатсеварлик, самимийлик, камтарлик, меҳр-оқибатлилик, ўзгалар оғирини енгил қилиш каби ажойиб хислатлар соҳиби. Отaxonнинг келажак авлод қамолоти маънавият ва маданият йўлидаги заҳматли меҳнатлари муносиб баҳоланиб, вилоят, туман ҳокимликларининг, турли жамоат ташкилотларининг ташаккурнома ва фахрий ёрлиқлари билан тақдирланган.

Ота – оиланинг устуни, чинакам ва енгилмас кўргони, деб бежиз айтилмаган. Бугунги кунда Каримқул ака падари бузруквори Шамшимат ва волидаи муҳтарамаси Ирисхоним аянинг деҳқончилик касбини давом эттириб келади. Фарзандлари билан бирга деҳқончилик билан шуғулланиб, полиз экинларидан мўл-ҳосил

олиб, набираларига ибрат кўрсатиб келмоқда.

Умр эса фарзанд аталмиш неъмат билан бардавом. Оиланинг бахту саодати, унда камол топаётган фарзандлар тарбияси жамият ҳаётини тўлалтиришга акс этди. Каримқул Шамшимат ўғли турмуш ўртоғи Ихтимой ая билан Қобилжон, Ҳамиджон, Замира ва Манзуларнинг суянган тоғи, 18 нафар неварани ва икки чеваранинг суякли бобоси ва бувиси.

Дарҳақиқат, меҳнат туғайли келган мартабаю обрў, шон-шўхрату бойлик... барчаси тотли. Бу даражага етиш учун фидойилик, жонқуярлик ва ҳалоллик каби хусусиятларга эга отaxon Янги йилнинг илк кунларида кутлуг 70 ёшини қарши олмақда. Каримқул Шамшимат ўғлига мустақкам сийҳат-саломатлик, оилавий хотиржамлик тилаб қоламиз!

Мухтабар УСМОНОВА.

Хотира - муқаддас

САФИМИЗДА ЭДИ

Туркистон шаҳри яқиндаги Интимақ қишлоғи аҳолиси “Жанубий Қозғоғистон” газетаси обуначимизда пешқадам бўлишига ташаббускор бўлган фаол обуначимиз, вилоят марказидаги “Карвонсарой” МЧБ бош хисобчиси, хайрли-савобли ишлари билан танилган Туркистон вилоятининг ибратли фуқароси Абдумуталлиб Умаров хотирасини эхтиром ила ёд этамиз. Кам гапириб, кўп меҳнат қилмаган, табиятан вазмин, она тилимиз ва маданиятимиз жонқуяр, шахмат устаси, муҳтожларга мададкор бўлишни инсо-

бирлашмаси раиси Баҳодир Ирисметов билан шу ишда ҳолис ёрдам кўрсатганлари шонли тарих.

– Абдумуталлиб укамиз илтимосимизни қабул қилиб ва ҳолис ёрдам кўрсатганини ҳеч қачон унутмайман. 200 қақирим олисдан вилоят марказига ҳафта сайин қатнайверишининг ўзи бўлмайди. Абдумуталлиб Олимжон ўғли ёрдамга киришиб, яна икки ойлик муштарак саъй-ҳаракатлардан сўнг, ниҳоят, муаммо қонун доирасида ҳал бўлди. 19 октябрда улкан делегация таркибидан қишлоғимиздаги Қорабугра



Султонқулов, Аваз Айметов, Муслириддин Турсунметов каби қадрдонлари унга тулпор миндиришган, халққаро тадбирга Қозғоғистон, Ўзбекистондан барча қариндош, дўсту биродарлар ташир буюрган, қадрдон акаси, Интимақ қишлоғи ўзбек этномаданият бирлашмаси раиси Абдуҳамид Умаров ва фахрий устоз Исохон Абдиевлар ниятларини изхор этиб, юбилярга “Туркистон вилоятининг ибратли фуқароси” унвони ҳамда “Жанубий Қозғоғистон” газетаси таҳририятининг ташаккурномасини гулдурос қарсақлар остида тақдим этишганди.



нийлик бурчи деб билган, намунали фазилатлари билан танилган бу ажойиб инсоннинг ҳаётини хайрли ва савобли ишлари мўл эди.

Сўзоқ тумани ўзбек этномаданият бирлашмаси раиси Муҳаммаджон Бобоев ўзи раҳбарлик қилаётган ташкилотнинг эски низомига ўзгариш киритиш учун Туркистондаги адлия бошқармасига бир неча ой мобайнида қатнаб, иши битмаганида айнан Абдумуталлиб Олимжон ўғли вилоят ўзбек этномаданият

авлиё қадамжосига акаси Абдуҳамид ака билан бирга зиёратга келиш нияти бор эди... Насиб этмади. Фонийдаги савобли ишлари чин дунёсида азиз бошларига соябон бўлсин, – дейди М. Бобоев сўзоқликлар номидан самимий таъзия изхор этиб. Абдумуталлиб Олимжон ўғлининг ёз чилласида ўтган олти йиллик тўйида эл олдидаги хизматлари эътиборга олиниб, фаол обуначимиз Баҳодир Ирисметов бошчилигида Шокир

“От изини той босади”. А. Умаровнинг иқтидорли фарзанди Бобир Абдумуталиб ўғли отасининг шонли йўлини давом эттиришига ишончимиз комил. Абдумуталлиб Олимжон ўғлининг охираати обод бўлсин!

Ш. МАДАЛИЕВ.

Тасвирларда: олти йиллик тўйдан лавҳалар.

Муаллиф суратга олган.


Жанубий
Қозоғистон

janubiy.kz

janubiy@inbox.ru
Тел.: 53-07-10, 53-04-66.Нашр кўрсаткичи –
65466

2025 –

Илон йили



Шарқий тақвимга кўра, 2025 йил кириб келмоқда. Мунажжимлар башорати бўйича биз қайси жонзот билан учрашамиз?

Бу йил Илон – ўзига хос хусусиятга эга бўлган рамзий жонзотни кутяпмиз.

Илон Шарқ маданиятида сирлилик, донолик, уйғунлик ва янгиликни рамзидир ва унинг унсури – ёғоч, мослашувчан ҳам барқарор. Илон дадил, самарали қарорларнинг ҳомийси ҳисобланади. Кескин ҳаракатлар унга ёт. Мураккаб масалаларни ортиқча шовқинсиз ҳал қилишни афзал кўради. Шарқ анъаналаридаги яшил ранг янгиликни, тараққиёт ва уйғунликни англатади, 2025 йилни шахсий юксалиш ва барқарорликка интилаётганлар учун қулай давр дейиш мумкин.

Шарқий тақвим ҳар бир инсонни туғилган йил белгисига қараб, таъбирлайди. Илон йили одамларга тиришқоқлик, қатъият ва мақсадларга эришишда ишончини мустаҳкамлайди. Бу йил айтилса, ижодкорлар ва ақлий меҳнат қилаётганларга муваффақият келтириши мумкин. Самовият нуқтаи назаридан, 2025 йил шахсий юксалиш, муносабатларни мустаҳкамлаш ва янги ташаббусларга қаратилган бўлади. Бу йил мунажжимлар ички уйғунликка эришиш даври, янги лойиҳалар ижроси, жасорат кўрсатиш имкониятини тақдим этадиган давр бўлишини тахмин қилмоқда.

Қозоғистон учун 2025 йил давлат дастурлари, маданий тадбирлар ва иқтисодий ислохотларнинг янги босқичлари билан тарихда қолиши мумкин. Янги технологиялар, сунъий заковат ва ижтимоий муаммоларни ҳал қилиш асосий эътиборда бўлиши кутилмоқда.

2025 ЙИЛДАН НИМАЛАРНИ КУТАМИЗ?

- Ўзингизни ривожлантиринг: изланиш, ўрганиш, илм-фанга оид янги кўникмаларни шакллантириш ва соғлигингизга ғамхўрлик қилиш муҳим.

- Хотиржам бўлинг: бу йилда шошилинч ҳаракатларга йўл қўйманг, шунинг учун эҳтиёткорлик билан қарор қабул қилинг.

- Янги ташаббуслардан қўрқманг, улар қўллаб-қувватланади.
- 2025 йил – теран фикрлаш, оқилona қарорлар қабул қилиш ва мақсадларга эришиш даври.

Шарқий тақвимга кўра, Илон йилини самовият шахсий юксалиш ва уйғунлик йили деб таъбирламоқда. Келгуси йилни муваффақиятли ўтказиш учун орзуларингизни белгиланг ва уларга эришишга интилинг!

ИЛОН ЙИЛИНИ ҚАНДАЙ КУТИБ ОЛИШ КЕРАК?

Янги, Илон йили ўзгаришлар ва янги имкониятлар даври бўлади. Йил сабр-тоқат, хотиржамлик, доноликка чақиради ҳамда оғир вазиятлардан сабоқ олиш ва янги босқичга кўтарилиш имкониятларини тақдим қилади. Илон йилини халқимиз умид, эҳтиёткорлик ва янги ташаббусларга тайёргарлик билан кутиб олади.

Илон йили одамларга меҳнатсеварлик, қатъият ва мақсадларга эришиш имконини беради.

2025 йилда онгли равишда ва эҳтиёткорлик билан ҳаракат қилганлар ютади. Бу рамзий йилни ўзига хос қувват билан тўлдиради: илон доно мураббий сифатида бизни сабр-тоқат ва онгли танловга чақиради.

Илон мучали вакиллари ўз ҳаётида барқарорлик ва ички тенгликка интиладилар. Улар ақл, ирода ва ҳаётий донолик билан ҳар қандай қийинчиликларни енгиб ўтадилар.

Интернетдаги очиқ манбалардан олинди.

Январь

Д	С	Ч	П	Ж	Ш	Я
				1	2	3
				4	5	
	6	7	8	9	10	11
	12	13	14	15	16	17
	18	19	20	21	22	23
	24	25	26	27	28	29
	30	31				

Февраль

Д	С	Ч	П	Ж	Ш	Я
					1	2
					3	4
					5	6
					7	8
					9	10
					11	12
					13	14
					15	16
					17	18
					19	20
					21	22
					23	24
					25	26
					27	28
					29	30

Март

Д	С	Ч	П	Ж	Ш	Я
					1	2
					3	4
					5	6
					7	8
					9	10
					11	12
					13	14
					15	16
					17	18
					19	20
					21	22
					23	24
					25	26
					27	28
					29	30
					31	

Апрель

Д	С	Ч	П	Ж	Ш	Я
						1
						2
						3
						4
						5
						6
						7
						8
						9
						10
						11
						12
						13
						14
						15
						16
						17
						18
						19
						20
						21
						22
						23
						24
						25
						26
						27
						28
						29
						30

Май

Д	С	Ч	П	Ж	Ш	Я
						1
						2
						3
						4
						5
						6
						7
						8
						9
						10
						11
						12
						13
						14
						15
						16
						17
						18
						19
						20
						21
						22
						23
						24
						25
						26
						27
						28
						29
						30
						31

Июнь

Д	С	Ч	П	Ж	Ш	Я
						1
						2
						3
						4
						5
						6
						7
						8
						9
						10
						11
						12
						13
						14
						15
						16
						17
						18
						19
						20
						21
						22
						23
						24
						25
						26
						27
						28
						29
						30
						31

Июль

Д	С	Ч	П	Ж	Ш	Я
						1
						2
						3
						4
						5
						6
						7
						8
						9
						10
						11
						12
						13
						14
						15
						16
						17
						18
						19
						20
						21
						22
						23
						24
						25
						26
						27
						28
						29
						30
						31

Август

Д	С	Ч	П	Ж	Ш	Я
						1
						2
						3
						4
						5
						6
						7
						8
						9
						10
						11
						12
						13
						14
						15
						16
						17
						18
						19
						20
						21
						22
						23
						24
						25
						26
						27
						28
						29
						30
						31

Сентябрь

Д	С	Ч	П	Ж	Ш	Я
						1
						2
						3
						4
						5
						6
						7
						8
						9
						10
						11
						12
						13
						14
						15
						16
						17
						18
						19
						20
						21
						22
						23
						24
						25
						26
						27
						28
						29
						30

Октябрь

Д	С	Ч	П	Ж	Ш	Я
						1
						2
						3
						4
						5
						6
						7
						8
						9
						10
						11
						12
						13
						14
						15